

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАҲКАМОВ НОСИРЖОН ЖЎРАЕВИЧ

**УМУРТҚА ПОҒОНАСИ БЎЙИН, КЎКРАК ВА БЕЛ СОҶАЛАРИ
ДЕГЕНЕРАТИВ-ДИСТРОФИК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-
АНАМНЕСТИК ВА ПАТОМОРФОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия
14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Маҳкамов Носиржон Жўраевич

Умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак ва бел соҳалари
дегенератив-дистрофик касалликларининг
клиник-анамнестик ва патоморфологик асослари..... 3

Маҳкамов Носиржон Жураевич

Клинико-анамнестические и патоморфологические
проявления дегенеративно-дистрофических заболеваний
шейного, грудного и поясничного отделов позвоночника..... 27

Mahkamov Nosirjon Juraevich

Clinical-anamnestic and pathomorphological manifestations
of degenerative-dystrophic diseases of the cervical, thoracic
and lumbar regions of the spine..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАҲКАМОВ НОСИРЖОН ЖЎРАЕВИЧ

**УМУРТҚА ПОҒОНАСИ БЎЙИН, КЎКРАК ВА БЕЛ СОҶАЛАРИ
ДЕГЕНЕРАТИВ-ДИСТРОФИК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-
АНАМНЕСТИК ВА ПАТОМОРФОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия
14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.DSc/Tib756 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Исроилов Ражаббой Исроилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хужаназаров Илҳом Эшқулович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Нишанов Данияр Анарбаевич
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Шатурсунов Шахайдар Шаалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Дауреханов Асатай Маметович
тиббиёт фанлари доктори, доцент
(Қозоғистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда умуртқа поғонаси дегенератив касалликларини даволаш тенденцияси тобора долзарб вазифа бўлиб бормоқда. Россия травматолог ортопедлар ассоциацияси маълумотиغا кўра «...дунёда турли хил ташқи таъсирлар натижасида умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликлари (УДК) компьютер технология саноати ривожланганлигидан ногиронлик бўйича биринчи ўринда туради...»¹, бу касалликларни учраш даражаси 42-67,12%ни ташкил қилади. Ушбу патологияни ёшга доир учраш даражаси 40 ёшдан кейин 88,7% гача ошади. Ҳозирги вақтда ҳар йили меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 8% умуртқа поғонасидаги оғриқлар туфайли меҳнат қобилиятини йўқотади, ногиронликнинг 40% бел соҳасидаги оғриқлар билан боғлиқдир. Умуртқа поғонасининг дегенератив - дистрофик касалликлари тиббий ва ижтимоий жиҳатдан меҳнатга лаёқатли қатламида эрта ногиронлик юзага келишига бевосита таъсир қилади. Шу сабабли, умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак ва бел соҳалари дегенератив-дистрофик касалликларининг клиник-анамнестик ва патоморфологик асосларини ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак ва бел соҳалари дегенератив-дистрофик касалликларининг клиник-анамнестик ва патоморфологик хусусиятларини баҳолаш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада умуртқа поғонаси касалликлари остеохондрози, спондилёзи, диск чуррасининг функционал анатомик жойлашувини ва морфологик кўринишининг ўзига хос хусусиятларини солиштирма ташҳислаш, умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак ва бел соҳалари дегенератив-дистрофик касалликларини морфометрик жиҳатларини ҳамда умуртқа поғонасининг бел соҳасида COVID-19 инфекциясида ривожланадиган патоморфологик хос белгиларини дифференциал ташҳислаш ва даволашдаги турли хил ёндашувларни таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тизимини жаҳон андозаси талабларига мослаштириш, жумладан, патологик ҳолатларда тўғри мақсадга йўналтирилган тадқиқотларни ўтказишга қаратилган муайян чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бўйин, кўкрак ва бел умуртқаларининг дегенератив-дистрофик касалликларининг клиник,

¹ Остеохондроз позвоночника. Клинические рекомендации 2021 год. ID: KP441 URL // Общероссийская общественная организация Ассоциация травматологов ортопедов России (АТОР)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

анамнестик ва патоморфологик хусусиятларини оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабридаги ПҚ–4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³⁴. умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак ва бел соҳалари дегенератив-дистрофик касалликларининг клиник-анамнестик ва патоморфологик асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Missouri-Kansas, University of Yale, University of Iowa, University of Pennsylvania, University of California San Diego, University of Johns Hopkins, University of California, University of Washington, University of Cornell (АҚШ); Universität Ulm am Bezirkskrankenhaus Günzburg, Hannover Medical School; University Hospital Schleswig-Holstein; University of Louisville (Олмония); University of Cambridge, Perinatal Institute, King's College London (Буюк Британия); Federal University of Santa Catarina (Бразилия); University of Sydney (Австралия); Oswaldo Cruz Institute; University of Lviv, Dnipropetrovsk Medical Academy, University of Ternopil (Украина); University of Kyoto (Япония); University of Turin, University of Pisa (Италия); University of Tianjin, University of Beijing, Wenzhou Medical University, University of Hong Kong (Хитой); Андижон давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак ва бел соҳалари дегенератив-дистрофик касалликлари клиник-анамнестик ва патоморфологик асосларини ишлаб чиқиш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар борасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: дегенератив-дистрофик

³⁴Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.univr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, <https://www.cito-priorov.ru/>, <https://www.uztoiti.uz/>, <https://tma.uz/> сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

касалликларида ташриҳдан кейинги умуртқа поғонаси хасталикларини стабилOMETрик реабилитацион даволаш тартибини ўрни исботланган (Siberian State Medical University (Россия)); дегенератив-дистрофик аралашувларни ўтказган, умуртқа поғонаси касалликларига чалинган беморларда ташриҳдан кейинги стабилOMETрик шуғулланиш тартиби самарадорлиги баҳоланган (Siberian State Medical University (Россия)); узун кодланмайдиган РНК NOTAIR бевосита NOTCH1 механизми орқали дирилдоқ ядро хужайралари апоптозини пасайтириш учун микроРНК-34a-5p таъсир қилиниши исботланган (First Affiliated Hospital of Harbin Medical University (Хитой)); умуртқанинг бел соҳаси дегенерацияси келтириб чиқарган сурункали оғриқни даволашда суяк илигининг аутологик мезенхимал стволли хужайралари самарадорлиги баҳоланган (Tri-State Spine Care Institute (АҚШ)); рентгенографияда каналнинг дегенератив стенози оқибатида орқа миянинг бўйин соҳаси компрессиясини ташҳислаш учун чуқур баҳолаш алгоритми исботланган (Osaka Metropolitan University (Япония)); парестетик ноталгия: клиник хусусиятлари, рентгенологик баҳолаш ва даволашнинг янги варианты тавсия этилган (Health Sciences University Ankara (Туркия)); аллоген мезенхимал илдиз хужайралари билан дегенератив чурра касалликларини даволаш самарадорлиги исботланган (Universitario de Valladolid (Испания)); белдаги сурункали оғриқни даволаш учун суяк ичи абляция базаси ва вертебрал нерв бўйича проспектив рандомирланган кўп марказли тадқиқот самарадорлигини исботланган (University of California (АҚШ)); бел соҳасининг дегенератив касалликларини даволаш учун орқа латерал спондилодез ва фасет бўғимлари ўзгарган спондилодезини қиёслаш тартиби исботланган (Chinese Academy of Medical Sciences (Хитой)); умуртқанинг дегенератив касалликларида орқа динамик нейтрализация ва гибрид мувозанатнинг узоқ клиник ва рентгенологик натижалари исботланган (Orthopaedic Institute (Италия)) умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак ва бел соҳалари дегенератив-дистрофик касалликларининг клиник-анамнестик ва патоморфологик асослари ишлаб чиқилган (Андижон давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон)).

Дунёда умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак ва бел соҳалари дегенератив-дистрофик касалликларининг клиник-анамнестик ва патоморфологик асосларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликларини моделлаштирилган алгоритми орқали ташҳислаш ва даволаш тактикасини ишлаб чиқиш; даволаш жараёнида умуртқа суяги ва юмшоқ тўқималар шикастланишини олдини олиш учун тортиш амалиётидан кейинги мушаклардаги иккиламчи асорат ва тортувчи оғриқ синдромини бартараф этиш учун, юкланишига қараб индивидуал мувофиқлаштирилган етти вазиятли тортиш қурилмасини таклиф қилиш орқали дистракцион жараёнлар динамикасининг хос жиҳатларини аниқлашда кўшимча мезонлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш; умуртқа поғонаси бел, бўйин ва кўкрак соҳаларини

янгича функционал даволаш тартибининг этиопатогенетик жиҳатлари бўйича усуллар ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда охириги 10 йил ичида умуртқа поғонасини дегенератив касалликлари билан касалланиш кўрсаткичи 48,16% дан 88,7% гача кўтарилган (Amelot A, 2018). 2021 йил ЖССТ маълумотларига кўра, умуртқа поғонаси дегенератив касалликлари Европа давлатларида 23,7 млн ҳолат қайд этилган, бу кўрсаткич ёшга доир геометрик прогрессия кўринишида ошиб бориши башорат қилинган ва инсониятга таъсир қиладиган энг жиддий ўнта касалликдан бири бўлиб, аксарият 40-65 ёшлилар ўртасида кенг тарқалган. Умуртқаларнинг дегенератив-дистрофик касалликларида диск оссификацияси ривожланиб бормоқда (Орел А.М, 2022). Охириги йилларда вертебрологлар ассоциацияси (RASS, 2021) томонидан умуртқа поғонасининг дегенератив касалликлари остеохондроз, спондилёз ва бошқаларни учраш тенденцияси 2021 йил 28,9% га ошганлиги ва уларнинг неврологик асоратлари ўрганилган. Сўнги 20 йил ичида бўйин умуртқа поғонаси бўйича операциялар сони ҳам кўпайди (Арестов С.О., 2021). 2009 йилда Қўшма Штатларда касалланиш 100 000 аҳолига 61 тагача кўтарилди, бу 2000 йилга нисбатан кўпайди. АҚШда бўйин умуртқа поғонасида ташриҳлари учраши 100 000 аҳолига 55 тани ташкил этган. Беморларнинг ўртача ёши деярли 53 ёшни ташкил этди (Oglesbyetal, 2013). Замонавий тиббиёт амалиётида инсон умуртқалараро дискининг касалликларини даволаш ва ташҳислаш фаолияти ижтимоий ва тиббий аҳамиятга эга. Эркаклар аёлларга нисбатан кўпроқ касалланди, касаллик учраш даражаси асосан 40-70 ёш оралиғида кўп учрайди (Gouliourisetal, 2020; Bono С.М., Matz P.G., 2021).

Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари орасида умуртқа поғонаси дегенератив касалликлари (Ш.Ш.Шотурсунов, С.С.Кочкартаев, 2016), умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик ўзгаришларининг ҳажми ва тавсифини баҳолашда жарроҳлик амалиётларини оптимал услубларини аниқлаш (Н.М.Курбанов, К.Т.Худайбердиев, М.Ш.Хамидов, 2001) бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, бироқ, умуртқа поғонаси дегенератив-дистрофик касалликларининг шаклланиш жиҳатлари ва динамикаси, патоморфологик ва клиник-анамнестик ҳос ҳолатларига боғланган ҳолда тўлиқ ўрганилмаган.

Юқорида қайд этилган маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунга қадар клиник ва патоморфологик асосларидан солиштирма ташҳисини аниқлашга имкон берадиган ягона усуллар ва йўналишлар ишлаб чиқилмаган. Бу эса ўз навбатида, ушбу муаммони ҳал қилишда касалликни клиник-анамнестик ва патоморфологик ҳос ҳолатларини ҳисобга олиб, ташҳислаш ва даволашни танлашда, касалликларни бартараф этиш учун янги ёндашувлар асосида қиёсий баҳолаш тартибини такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий–тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат

тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» (2019-2023 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умуртқа поғонаси остеохондрози, спондилёзи, диск чурраси ривожланишини патоморфологик хусусиятлари ҳамда ушбу хасталикларни дифференциаллашган ташҳислаш ва даволашнинг янгича моделлаштирилган тартибини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умуртқа поғонаси касалликлари остеохондрози, спондилёзи, диск чуррасининг функционал анатомик жойлашувини солиштирма ташҳислаш;

умуртқа поғонаси касалликлари остеохондрози, спондилёзи, диск чуррасининг морфологик ва морфометрик кўринишининг ўзига хос хусусиятларини солиштирма ташҳислаш;

умуртқа поғонасининг бел соҳасида COVID-19 инфекциясида ривожланган патоморфологик хос белгиларини дифференциал ташҳислаш ва даволашдаги турли хил ёндашувларни таҳлил қилиш;

умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликларини моделлаштирилган алгоритми орқали ташҳислаш ва даволаш тактикасини ишлаб чиқиш;

даволаш жараёнида умуртқа суяги ва юмшоқ тўқималар шикастланишини олдини олиш учун тортиш амалиётидан кейинги мушаклардаги иккиламчи асорат ва тортувчи оғриқ синдромини бартараф этиш учун, юкланишига қараб индивидуал мувофиқлаштирилган етти вазиятли тортиш қурилмасини таклиф қилиш орқали дистракцион жараёнлар динамикасининг хос жиҳатларини аниқлашда қўшимча мезонлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон давлат тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академияси шифохоналарида 2019-2023 йиллар давомида даволанган жами 164 нафар беморнинг 144 нафарида умуртқа поғонаси жарроҳлик амалиётида чурра ва атрофидаги тўқималардан намуналар, шунингдек, 20 та ҳолатда COVID-19дан кейинги умуртқа поғонаси асептик некрози билан хасталанган беморлар касаллик тарихи ва клиник-анамнестик текширув маълумотлари, консерватив даволанган 145 нафар остеохондроз, спондилёз ва диск чурраси билан беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида умуртқа поғонаси дегенератив-дистрофик касалликларида беморларнинг текшириш ва даволаш натижалари, тоғайли диск биопсияси ҳамда турли касалликлардан вафот этганларнинг умуртқалар оралиғи диски ва бўғим юзаси суяк бўлаклари ҳамда консерватив усулда остеохондроз, спондилёз ва диск чурраси билан даволанган беморларнинг материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак ва бел соҳалари дегенератив-дистрофик касалликларининг клиник-

анамнестик ва патоморфологик асосларини баҳолашда клиник-анамнестик, морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий, клиник, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

дегенератив-дистрофик касалликларида умуртқа поғонаси барча соҳаларидаги ўзгаришларни клиник-лаборатор-инструментал натижалар асосида коррекцияланган даволаш тартибини амалга ошириш зарурлиги исботланган;

умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликларида бўйин, кўкрак, бел қисмининг ҳар бирига хос юмшоқ ва қаттиқ тўқима тузилмаларида ривожланадиган морфологик ўзгаришларининг замонавий ташҳислаш ва даволаш мезонлари ишлаб чиқилган;

бел умуртқаси дегенератив-дистрофик жараёнининг клиник кўриниши ва патогенезида ўзига хос хусусиятини баҳолашда «мажбурий оқсоқлик» синдроми суяк ва тоғайли дискнинг ўткир яллиғланиш ҳолати эканлиги исботланган;

COVID-19ни ўтказган беморларда умуртқа асептик некрозининг патоморфологик таҳлил маълумотлари билан ўзаро визуал кўринишини уйғунлиги эрта ташҳислаш ва даволашга муқобил эканлиги исботланган;

даволаш жараёнида умуртқа суяги ва юмшоқ тўқималар шикастланишини олдини олиш орқали, дистракцион амалиётидан кейинги мушаклардаги тортувчи оғриқ синдромини камайтириш мақсадида индивидуал мувофиқлаштирилган етти вазиятли тортиш қурилмаси яратилган ва оптимал режимли тортиш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

остеохондроз, спондилёз ва секвестрланган чурра таркибий қисми тўқима тузилмалари ҳамда морфометрик кўрсаткичларининг клиник-морфологик белгиларига таҳлилий моделлаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган;

умуртқалар остеохондрози, спондилёзи ва чурранинг клиник - морфологик ўзига хос хусусиятлари асосида ташҳислаш ва даволаш жараёнидаги натижалар фарқи очиқ берилган;

меъёрий гистологик тузилишидаги ўзгаришларни баҳолаш орқали даволаш тартибини юқори самарадорлиги ҳақидаги маълумотлар асосида патоморфолог, невропатолог, травматолог-ортопедлар иш фаолиятининг янги тартиби тавсия этилган;

умуртқалар барча қисмини дегенератив-дистрофик касалликларини клиник-морфологик ўзига хос хусусиятларига асосан, ташҳислаш ва даволашни индивидуал танланган;

умуртқалар остеохондрози, спондилёзи ва чуррасини даволашда клиник-анамнестик ва патоморфологик таҳлили асосида умуртқа поғонасини дистракцион тортма турларига қараб, индивидуал мувофиқлаштирилган етти вазиятли тортиш қурилмаси таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан

тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник-анамнестик, морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий, клиник, инструментал ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак ва бел соҳалари дегенератив-дистрофик касалликларининг клиник-анамнестик ва патоморфологик асосларини такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўйин, кўкрак ва бел умуртқасининг дегенератив-дистрофик касалликлари бўйича клиник - анамнестик, инструментал текширувлари ва патоморфологик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар асосида зарур ташҳислаш ва даволаш тадбирлари ишлаб чиқилган, бажарилган текшириш усуллари умуртқа поғонасида кечувчи дегенератив-дистрофик жараёнларини юқори даражада фарқлаш орқали исботли патогенетик-клиник ташҳислаш ва даволашни танлаш травматолог-ортопедлар, патологоанотомлар амалиётида назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти соғлиқни сақлаш амалиёти учун умуртқа дегенератив-дистрофик касалликларини клиник-анамнестик ва патоморфологик таҳлилларидан фойдаланган ҳолда дистракцион тортма таклиф қилинганлиги ва ташҳислаш-даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги, умуртқалар суяк ва тоғайли диск дегенератив-дистрофик ўзгаришлари билан бирга содир бўлган остехондроз, спондилёз ва чурра ҳолатида шикастланиши, патологик анатомия ва травматология-ортопедияда клиник-морфологик хулосаларни асослашга доир аниқланган мезонларда ифодаланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон давлат тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 30 ноябрдаги 06/29-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институтининг 2023 йил 30 январдаги 8н-з/63-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: дегенератив-дистрофик касалликларида умуртқа поғонаси барча соҳаларидаги ўзгаришларни клиник-лаборатор-инструментал натижалар асосида коррекцияланган даволаш тартибини амалга ошириш зарурлиги исботлангани Фарғона шаҳар 1-сон клиник шифохонаси бўйича (04.09.2023 й.; №23), Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича (05.09.2023 й.; №267-А/Ф) ҳамда Андижон вилоят патологик анатомия бюроси бўйича (04.09.2023 й.; №29) буйруғи билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тавсия этилган алгоритм ва услубларнинг даволаш амалиётига жорий этилиши натижасида, аҳоли орасида 95% гача умуртқа поғонаси дегенератив касалликларининг ташҳислаш ва даволаш

самарадорлиги оширилишига имкон берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тавсия этилган клиник-анамнестик ва патоморфологик ташҳислаш, даволаш услублари қўлланилганда қўшимча текширишлар ўтказилиши талаб этилмаслиги натижасида тадқиқотга талаб этиладиган даво вақти 12 кундан 7-10 кунгача қисқариши ҳисобига иқтисод қилишга эришилган (анъанавий ташҳис ва даволаш усулининг ўртача нархи 1 та бемор учун 2250000 сўмни ташкил қилса, тавсия этилган усулнинг нархи 1300000 сўм). Хулоса: тавсия этилган ташҳислаш ва даволаш усулидан фойдаланган ҳолда муолажаларни ўтказиш вақтини 1-1,5 баробар қисқартириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 950000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликларида бўйин, кўкрак, бел қисмининг ҳар бирига хос юмшоқ ва қаттиқ тўқима тузилмаларида ривожланадиган морфологик ўзгаришларининг замонавий ташҳислаш ва даволаш мезонларини ишлаб чиқилгани Андижон вилоят патологик анатомия бюроси бўйича (04.09.2023 й.; №29), Наманган вилоят патологик анатомия бюроси бўйича (06.09.2023 й.; №52) ҳамда Фарғона шаҳар 1-сон клиник шифохонаси бўйича (04.09.2023 й.; №35) буйруғи билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: умуртқа поғонаси дегенератив-дистрофик касалликларининг клиник анамнестик ва патоморфологик ҳолатини бир бирига солиштирма баҳолаш, турли усулларнинг ижобийсини танлаб олиниши беморлар меҳнат фаолиятини самарасини 95% гача оширишга хизмат қилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тавсия этилган умуртқа поғонаси диск чуррасини аниқлаш бўйича ташҳислаш усули ва даволаш тактикасини танлаш клиник-патоморфологик натижаларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ҳисоблаш мумкин, касалликни кечишида анъанавий усуллар (УАШ, травматолог кўриги, МРТ, рентген, ЭКГ, қон в пешоб таҳлили ва бошқалар) билан жарроҳлик амалиётидаги ҳаражатларни, ташриҳсиз даволанишда 70% гача тежалишига олиб келади. Хулоса: ушбу қўлланма далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига мос клиник ва патоморфологик солиштирма ташҳислаш натижалари, даволашни жаҳон даражасига кўтаришга имкон беради;

учинчи илмий янгилик: бел умуртқаси дегенератив-дистрофик жараёнининг клиник кўриниши ва патогенезида ўзига хос хусусиятини баҳолашда «мажбурий оқсоқлик» синдроми суяк ва тоғайли дискнинг ўткир яллиғланиш ҳолати эканлиги исботлангани Наманган вилояти кўп тармоқли тиббий маркази бўйича (05.09.2023 й.; №267-А/Ф), Андижон вилоят патологик анатомия бюроси бўйича (04.09.2023 й.; №29) ҳамда Наманган вилоят патологик анатомия бюроси бўйича (06.09.2023 й.; №52) буйруғи билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган ташҳислаш тартиби умуртқа поғонаси бел соҳаси дегенератив-дистрофик касалликларидан остехондроз, спондилёз ва диск чуррасида «мажбурий оқсоқлик» синдроми

сонини камайтирган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: тавсия этилган умуртқа дегенератив-дистрофик касаллигини аниқлаш бўйича ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш клиник ва патоморфологик натижаларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий самарадорликни юқорилиги 55% гача маблағлар тежалиши билан изоҳланади. Хулоса: бундай умуртқа поғонаси бел соҳасидаги клиник морфологик хусусиятларини тўлиқ ўрганиб борилиши, клиницистлар учун касаллик келиб чиқиш сабабларини 100% аниқлаш, тўғри таҳлил қилиш ва даволаш алгоритминини тўғри танланишига имкон беради;

тўртинчи илмий янгилик: COVID-19ни ўтказган беморларда умуртқа асептик некрозининг патоморфологик таҳлил маълумотлари билан ўзаро визуал кўринишини уйғунлиги эрта ташхислаш ва даволашга муқобил эканлиги исботлангани Наманган вилояти кўп тармоқли тиббий маркази бўйича (05.09.2023 й.; №267-А/Ф) ҳамда Фарғона шаҳар 1-сон клиник шифохонаси бўйича (04.09.2023 й.; №35) буйруғи билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: таклиф этилган умуртқа суяги COVID-19 дан кейинги асептик некрозини даволашда клиник-анамнестик, структур-функционал ва патоморфологик таҳлиliga индивидуал ёндашув асосида ташхислаш даволаниш муддатини қисқартиришга имкон берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: аҳолини меҳнат фаолиятидаги қатламини даволашда 1 нафар бемор учун уч кунлик стационар даволаниш (прейскурантга кўра 1-кунлик тўлов миқдори 195000–223000 сўмни ташкил этади) даги сарфини камайтирган. Стационарда 12 кунликдан 9 кунликка қисқариши, даво муолажалари бюджетдан бир киши учун (660000 сўмгача) иқтисод қилинган. Хулоса: умуртқа поғонаси дегенератив дистрофик касалликлари ҳасталанган 1 нафар бемор ҳисобига мақсадли текширув ва даволаш пайтида ўртача бюджет маблағларини 265000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 210000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

бешинчи илмий янгилик: даволаш жараёнида умуртқа суяги ва юмшоқ тўқималар шикастланишини олдини олиш орқали, дистракцион амалиётдан кейинги мушаклардаги тортувчи оғриқ синдромини камайтириш мақсадида индивидуал мувофиқлаштирилган етти вазиятли тортиш қурилмаси яратилган ва оптимал режимли тортиш тартиби ишлаб чиқилгани Фарғона шаҳар 1-сон клиник шифохонаси бўйича (04.09.2023 й.; №35) ҳамда Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича (05.09.2023 й.; №267-А/Ф) буйруғи билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: остехондроз, спондилёзи ва чуррани коррекцияланган-дистракцион қурилмада индивидуал тортиш 173(100%) нафар беморда бажарилиб, таклиф этилган оптимал режимли тортиш тартибини комплекс ёндашув услубидан фойдаланилган беморларни даволаш сифатини 85%га яхшиланишига имкон берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: кўкрак-бел соҳасини остехондроз, спондилёзи ва диск чуррасининг бошланғич даврида оддий ва самарали

текширув усулларидан фойдаланиб, ташриҳсиз даволанади, оптимал инвидуал тортишда чуқурлаштирилган текширув ва махсус малака оширган шифокорларнинг зарурияти йўқлиги исботланган ($Stmd=Ap+Di+(Ci+MN+Zzp)=30000+50000+290000=370000$ сўм, бунда: $Ci+MN+Zzp=290000$ сўм (тариф бўйича), Stmd – бир бемор учун анъанавий текширув усуллари (УАШ, травматолог кўруви, MRT, рентген, ЭКГ, қон ва пешоб таҳлили) билан ташҳислаш ҳаражатлар суммаси). Хулоса: дегенератив-дистрофик касалликнинг структур–функционал тури исботланган беморларда умуртқа поғонаси тизимидаги нуқсонларни тасдиқлаш ёки истисно қилиш учун инсонларни меҳнатга лаёқатли қатлами касалланишида эрта ташҳислаш асносида дистракцион курилма орқали самарали даволаш ҳисобига 53% гача маблағларни иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 170 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Умуртқа поғоналарининг гестация ва болалик даврида такомиллашиши, дистрофик-дегенератив касалликларининг хавfli омиллари, патогенези, клиник-функционал белгилари ва патоморфологик ўзгаришларининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида умуртқа поғонасининг суякланиши бола туғилгандан кейинги барча ёшдагилар маълумотлари келтирилган бўлиб, шу жумладан дунёда ҳаракат таянч тизими касалликлари саноати ривожланган давлатларда 67,8% ни ташкил этиши, дунёда 10 та энг хавfli касалликлар гуруҳига

киритилганлиги муаммони долзарблигини тасдиқлайди. Умуртқа поғонаси дистрофик дегенератив касалликларида ривожланадиган морфологик ўзгаришлар ва улар асосида тавсия этилган ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича хориж, МДХ адабиётлар талқинида жуда кўплаб назарий ва амалий ёндашувлар ҳақида тўлиқ илмий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Умуртқа поғонаси дегенератив-дистрофик касалликларининг таҳлилий баҳолашда тадқиқот материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида материали сифатида жами Андижон давлат тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академияси клиникаларида 2019-2023 йиллар давомида жами 164 нафар беморнинг 144 та ҳолатида жарроҳлик амалиёти пайтида чурра ва атрофидаги тўқималаридан намуналар олинган, COVID-19 кейинги умуртқа поғонаси асептик некрози билан касалланганлар касаллик тарихи ва клиник-анамнестик текширув маълумотлари ва консерватив даволанган 145 нафар остеохондроз, спондилёз ва диск чурраси билан беморлар олинган. 20 та назорат гуруҳи сифатида турли касалликлардан нобуд бўлганларнинг Республика Патологик анатомия маркази аутопсия бўлимида умуртқа поғонасининг бўйин, кўкрак ва бел соҳаларидан диск ва унга ёндош суяклари бир қисми материаллари олинган.

Кузатувимиз натижасида, умуртқа поғонаси суяк ва диск тўқималарида диффуз озикланишнинг бузилиши сабаб деб кўрсатилган радикуляр синдромининг этиологик омили ўз тасдиғини топмади, аксинча, компрессияловчи омил асосий сабаби рефлексор оғриқ синдроми эканлиги маълум бўлди. Гистокимёвий текширишда, асосан, фаол бўялган соҳалардаги хужайралар, толали тузилмалар, оралик моддаларнинг эгаллаган майдонини ҳисоблаб, учта соҳада ривожланган чурра таркибий қисмининг хос рангда бўлиши морфометрия жараёнида ўлчанган катталикларни аниқ бир чегарадаги траекториясини рақамлар орқали ифодалаш учун асос қилиб олинди, бир-биридан фарқи аниқланди, морфофункционал жиҳатдан баҳоланди. Морфометрик кўрсаткичларни баҳолаш, мазкур патологияда тўқимадаги хужайралар жойлашувининг ўзгариши, касалликнинг оғирлик даражасини аниқлашга замин яратади.

Диссертациянинг «Умуртқа поғонасининг бўйин, кўкрак ва бел соҳалари дегенератив-дистрофик касалликларининг патоморфологияси ва морфометрик маълумотлари» деб номланган учинчи бобида патоморфологик ўзгаришлар баёнида ҳар бир соҳаси дегенератив-дистрофик касалликларининг алоҳида қисмига хос бўлган ва бир-биридан фарқ қиладиган ўзгаришларини таҳлил қилиб ёзиб чиқилган. Г.Г. Автандиловнинг классик тўри кўрсаткичларидан фойдаланиб, замонавий QuPath-0.4.0 рақамли дастурида (2021 йил) амалга оширилган морфометрик ўлчов усулидан фойдаланилди (1-расмга қаранг). Микротасвирдаги барча структур бирликлар майдони Vv, яъни 100% деб олинади, ҳисобланган структур бирликлар майдони, шу тузилмаларни номи билан белгиланади, масалан: Vкт (коллаген толалар), Vхх (хондроцит хужайралар), Vом (оралик

модда) ва патологик ўзгаришлардан: $V_{яи}$ (яллиғланиш инфилтрати), $V_{нў}$ (некроз ўчоқлари), $V_{к}$ (кальциноз).

Формуласи қуйидагича бўлади:

$$P = V_v/100$$

Нукталарнинг бошқа структур бирликларга тўғри келиши, қуйидаги формулада аниқланади:


$$Q = 100 - V_v/100$$

Ўрганилаётган структур бирликларга тўғри келадиган нукталарни x деб олсак, унинг хатолик даражаси ушбу формула билан ҳисобланса: $x/z - P$, абсолют хатоликнинг фоизлардаги кўрсаткичи қуйидаги формулада ҳисобланади:

$$\varepsilon = (x/z - P) \cdot 100 = 100 x/z - V_v$$

Нисбийлик назарияси бўйича ҳисоблашнинг хатолик даражаси - $x/z - P$, бошқача формулада қуйидагича ҳисобланади: $= t \cdot \sqrt{Pq/z}$.

Ушбу ҳолатни тасдиқлаш мақсадида урта соҳа (бўйин, кўкрак, бел) клиник-морфологик жиҳатдан аҳамиятли бўлган чурранинг тўқима таркибидаги структур бирликларини морфометрик жиҳатдан таҳлил қилиб чиқилди ва натижалар морфологик ўзгаришларни миқдорий жиҳатдан ишончлилигини тасдиқлади.



1-расм. Г.Г.Автандиловнинг тўқималар морфометриясида қўлланиладиган классик тўрининг замонавий QuPath-0.4.0 рақамли дастури орқали амалга оширилган график тасвири.

Тоғайли диск таркибидаги энг муҳим тузилмалардан бўлган коллаген толалар меъёрда аслида 54,5% майдонни эгаллаган бўлса, бўйин соҳа чурраси таркибида бу кўрсаткич кескин камайганлиги, яъни бор-йўғи 31,5% жойни эгаллаганлиги аниқланди. Умуртқа поғона кўкрак соҳа чурраси таркибида коллаген толалар нисбатан сақланиб қолганлиги, яъни 42,6% жойни эгаллаганлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).


Бу кўрсаткич асосида тасдиқлаш мумкинки, кўкрак соҳа чурраси ривожланиши бошқа соҳалардан фарқ қилиб, чурра таркибида коллаген толаларнинг кўпроқ миқдорда сақланиб қолиши унинг нисбатан

чидамлигидан далолат беради. Бел соҳа чуррасида коллаген толалар яна ҳам камлиги, 33,9% жойни эгаллаганлиги аниқланди

1-жадвал

Умуртқа поғона бўйин, кўкрак ва бел соҳалари диск чуррасининг бири-бирига солиштирма ҳолдаги морфометрик кўрасткичлари, %. да

Гуруҳлар	Объектлар, n=10	Тўқима структур бирликлари, %			Патоморфологик ўзгаришлар, %			P
		V _{кг}	V _{хх}	V _{ом}	V _{яи}	V _{нў}	V _к	
1	Бўйин соҳа чурраси	31,5±2,67	15,3±1,6	28,8±2,02	9,4±1,3	8,9±1,27	6,1±1,07	0,05
2	Кўкрак соҳа чурраси	42,6±2,21	14,4±1,57	23,8±1,9	10,3±1,3	6,1±1,07	2,9±0,75	0,01
3	Бел соҳа чурраси	33,9±2,11	14,0±1,55	13,8±1,5	20,7±1,81	11,1±1,4	6,5±1,1	0,01




2-расм. Умуртқа бўйин соҳасининг дирилдоқ ядро тўқимаси таркибидаги хужайра ва толали тузилмаларнинг эгаллаган сатҳи. Тўқ кўк рангда хужайралар, сариқ рангда толали тузилмаларнинг эгаллаган майдони.

NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/ HAMAMATSU PHOTONICS/431-3196 JAPAN)да сканер қилинди.


Центроид X	14904,3 мкм ²
Центроид Y	10932,4 мкм ²
Аниқланган хужайралар сони	153 дона
Ўлчанган сатҳнинг умумий майдони мм	1,16354 мм ²
Толали тузилмаларнинг умумий майдони	0,36651мм ²
Хужайраларнинг эгаллаган сатҳи	0,46541 мм ²
Оралиқ модда	0,33161 мм ²

Умуртқа поғонаси алоҳида қисмларининг диск чурра тўқимасида кальциноз жараёни аксарият ҳолларда бўйин ва бел соҳасида кўпроқ ривожланганлиги кузатилди(2-расмга қаранг). Кўкрак соҳа чурра тўқимасида буларга нисбатан анча кам, яъни 2,9% майдонда кальциноз ўчоқлари пайдо бўлганлиги аниқланди. Бўйин соҳа чуррасида 6,1%, бел соҳа чуррасида 6,5% ни кальциноз эгаллаганлиги кузатилди (3-4-расмларга қаранг).



3 -расм. Умуртқа кўкрак соҳаси дирилдоқ ядро тўқимаси таркибидаги хужайралар ва толали тузилмаларнинг эгаллаган сатҳи. Тўқ қизил рангда толали тузилмаларнинг эгаллаган майдони. NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/ НАМАМАТСУ PHOTONICS/431-3196 JAPAN)да сканер қилинди.

Центроид Х	15829,2 мкм ²
Центроид У	8850,8 мкм ²
Аниқланган хужайралар сони	81 дона
Ўлчанган сатҳнинг умумий майдони мм	0,337458мм ²
Толали тузилмаларнинг умумий майдони	0,143757мм ²
Хужайраларнинг эгаллаган сатҳи	0,12624 мм ²
Оралик модда	0,101267 мм ²



4-расм. Умуртқа бел соҳаси дирилдоқ ядро тўқимаси таркибидаги хужайралар ва толали тузилмаларнинг эгаллаган сатҳи. Тўқ кўк рангда толали тузилмаларнинг тутамли кўринишдаги эгаллаган майдони. NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/ НАМАМАТСУ PHOTONICS/431-3196 JAPAN)да сканер қилинди.

Центроид Х	15529,2 мкм ²
Центроид У	8653,8 мкм ²
Аниқланган хужайралар сони	216 дона
Ўлчанган сатҳнинг умумий майдони мм	1,137458мм ²
Толали тузилмаларнинг умумий майдони	0,38562мм ²
Хужайраларнинг эгаллаган сатҳи	0,34123мм ²
Оралик модда	0,41062 мм ²

Бу турдаги патологик ўзгариш, яъни кальциноз ривожланиши албатта яллиғланиш ва некрозланиш бор жойларда кўшимча ҳолда пайдо бўлиши умумий патологик жараён қонунларидан бири ҳисобланади. Бу турдаги кальциноз патогенетик жиҳатдан дистрофик-некротик кальциноз турига киради ва ҳар қандай тўқимада, жумладан суяк-тоғай тўқимасида кўпроқ даражада ривожланади.

Диссертациянинг «**Умуртқа поғонаси дегенератив-дистрофик касалликларининг клиник анамнестик таҳлилига креатив ёндашув**» деб номланган тўртинчи бобида беморларнинг клиник-анамнестик текширувини тавсифлаш дизайни яратилган бўлиб, бу умуртқа поғонаси дегенератив - дистрофик касалликларининг бўйин, кўкрак ва бел соҳаларига ҳос барча сегментлари этиопатогенетик ва клиник кўринишини бир биридан фарқлаб ташхислашга имкон яратади.

Умуртқа бўйин қисми клиник анамнестик таҳлилида диск, умуртқа суяги, бир-бирини боғловчи бўғимлар шикастланиши, деформация, парчаланиш ва зичлиги бузилиши билан таърифланади. Беморларнинг ўрта ва катта ёшли контингентида суяк-бўғим тўқима тузилмаларининг эскириб бориши натижасида дискда чурра, суякда остеохондроз, спондилёз кўпайиб бормоқда, бўйинда оғриқлар елка ва қўлга иррадиацияланади, кўз олдида нуқталар учиши, қулоқларида доимий шовқин сезиши, елка мускулларини спазми дельтасимон мускулни қисқаришидан контрактура, юрак соҳасидаги ноҳуш сезги билан оғриқ (билмасдан кардиологга мурожаат қилишади), уйқу бузилиши ва бармоқларнинг уюшишига олиб келади.

Кўкрак умуртқаси дегенератив касалликлари кифоз қисмида кўпроқ учрайди, оғриқ симптоми баъзи ҳолларда тўш соҳасига тарқалади. Умуртқа поғонаси остеохондрози ва чурраси кўкрак қисмида фоиз ҳисобида камлиги қовурғалар панжарасидир, улар доимий ва тартибсиз юкламаларни коррекциялаб туради.

Бел умуртқаси - тоғайли диск чурраси энг кўп учрайдиган соҳаси ҳисобланади (кўп ҳолларда чурра бел-думғаза соҳасининг L5-S1 да). Остеохондроз, дисваскуляр конфликт, чандиқли арахноидит, остеофитар тугунлар ва диск чурраси зарарланган мускул қисқаришлари ётади. Иш фаолиятининг доимий юкламасида мушаклар қисқаришини пасайишига, булар эса энг кўп VL3-VL4-VL5 соҳаларида остеохондроз ва спондилёз ривожланишига олиб келади.

Кузатувимизда клиник - анамнестик маълумотларга асосланиб, ташхис ва самарали давони белгилашда беморлар даврий мурожаатининг солиштирма анамнестик таҳлилий ҳулосаси зарур эканлиги маълум бўлди (2-жадвалга қаранг).

Беморларни клиник-анамнестик текшириш натижалари статистик таҳлилида келтирилган маълумотларнинг умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак ва бел соҳалари дегенератив касалликларида клиник анамнестик ҳулосаларни солиштирма таҳлили консерватив ва ташриҳ йўли орқали даволашни илмий асослаш имконини беради

2-жадвал

Эркак ва аёл беморлар касалланиши даврий мурожаатининг солиштирма анамнестик таҳлили

Касалланиш даврий мурожаати	бўйин	кўкрак	бел	жами
< 1 ой	2	-	2	4
1-3 ой	5	2	3	10
3-6 ой	7	1	5	13
6-12 ой	6	2	8	16
1-3 йил	7	2	12	21
3-5 йилида	8	5	14	27
5-10 йилида	6	4	18	28
> 10 йилдан кейин	4	6	11	21
Жами ;	49 (23+26)*	22 (11+11)*	74 (36+38)*	145 (70+75)**

Изох: *-аёл ва эркак беморларни сегментлар бўйича сони,**-аёл ва эркак беморлар жами сони.

Хулоса, олиб борилган клиник-анамнестик тадқиқот ҳулосалари шуни кўрсатдики, ташҳислашнинг дидактик таъминотини креатив ёндашув асосида ташкил этиш ва белгилаш, беморларнинг касаллик даражаларини ўрганиш, тўғри ташҳис ва даволашда ёшига, турмуш тарзи, ёндош касаллиги ва иш фаолиятига индивидуал ёндашиб аниқлаш кераклигини белгилаб берди.

Диссертациянинг «Умуртқани структур-функционал текширув натижалари» деб номланган бешинчи бобида беморлар спондилограммасини ўрганишда маълумотларни ҳос ташҳиси учун суяк тўқимаси морфологияси ва структурасининг кўп учрайдиган клиник симптомлари билан алоҳида солиштирма ҳулосавий адекват таҳлил қилинди ва фронтал кесимида рентгенологик белгиларнинг аниқлаш частотаси ҳақидаги маълумот берилган (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Умуртқа остеохондрозининг фронтал текислигидаги рентгенологик кўриниши

№	Остеохондрознинг рентгенологик белгилари	Умуртқа поғонаси соҳалари			
		бўйин	кўкрак	бел	Жами;
1.	Умуртқалараро масофанинг торайиши	49	22	74	145
2.	Умуртқа танаси остеофити	31	18	34	83
3.	Анталгик кифосколиоз	14	12	-	26
4.	Суяк пластинкаси склерози	14	15	18	47
5.	Қиррасимон ўсиқ яқинлашуви	16	20	24	60
6.	Равоқлараро бурчак деформацияси	7	14	21	43
7.	Диартрозлар	8	6	10	24
8.	Фронтал текисликда эркин ҳаракатлар ҳажмининг кескин қисқариши(функционал)	28	18	22	68
9.	Ўткир қиррали остеофитлар	26	21	25	72

Рентгенологик текширувларни, айниқса, тос–сон бўғими рентгенограммасини ўтказилмасдан қилинган аксарият муолажалар самарасиз даво ҳисобланган, чунки оғриқ симптомлари сақланиб қолганлигидир. Айниқса сон бошини асептик некрозини КОВИД-19 да эрта аниқлаш учун муҳимдир. Умуртқа поғонасининг визуал текширув тури афзалликлари қайси қисми текширилишини клиник - анамнестик таҳлилига қараб индивидуал ёндашув асосида тайинланади.

Кузатувимизда бўйин умуртқа поғонаси МРТ суяк режимида кўрилганда умуртқа танаси понасимон деформацияланган, олди орқа қисми катталашган. Умуртқаларо дисклар баландлиги пасайган, сариқ бойлам гипертрофияланган, кўндаланг бойлам қалинлашганлиги аниқланган (5-расмга қаранг). Кўкрак умуртқасида дегенератив касалликлари кам, бунга қовурғалар ихотаси асосий сабабдир. V4-5 умуртқаларо диск чурраси II тартибда аниқланади. Умуртқаларо диск баландлиги пасайган, сариқ бойлам гипертрофияси ва тутилувчи пластинка қалинлашган. Равоқ-ўсимта бўғими ораси торайган, қисилган, бўғим юзаси қалинлашганлиги аниқланган (6-расмга қаранг).




А



Б

5–расм. Бўйин соҳаси дегенератив касалликлари (а-спондилёз, б-диск чурраси)

Хулоса шуки, беморларнинг томография таҳлилида аниқланган клиник симптомларнинг тўғри келиши, МРТ текширув усулининг самараси турли ёшдаги беморларда дискорадикуляр омилини баргараф қилишда, декомпрессия ҳажми қониқарли бўлиши ва умуртқа канали бўшлиғининг тўлиқ эгаллаганлиги тўғрисида маълумотлар аниқланади. Беморларни касаллик клиник кўринишлари ва МРТ натижаларига кўра патоморфологик жараёнларини аниқлаш мумкин.



А

Б


